



ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ХУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2008 йил 17 июнь ● сешанба ● № 27 (586) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru

● Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик Декларацияси қабул қилинганига 18 йил тўлди



МУРОЖААТЛАР «ИНСОН ВА ҚОНУН» НИГОҲИДА ЛАВОЗИМИГА ТИКЛАНДИ

Республика Бош прокуратураси томонидан "Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетасининг 2008 йил 17 апрель сониди чоп этилган "Суд қарори муҳокама этилади?" сарлавҳали мақолада баён қилинган ҳолатлар кўриб чиқилди.

Аниқланишича, халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгаши сессиясининг 2000 йил 5 августдаги 2/9-сон қарорига мувофиқ М.Каримова Жиззах шаҳар ҳокимлигининг молия бўлими мудири лавозимидан озод этилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг 2007 йил 16 февралдаги ҳал қилув қарорига кўра М.Каримовани ишга тиклаш, шаҳар ҳокимининг ва халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг қарорларини бекор қилиш ва меҳнат дафтари-часига тегишли ёзув киритиш мажбуриятини юклаш ҳақидаги даввоси қаноатлантирилган.

Ушбу ҳал қилув қарори Жиззах шаҳар суд ижро-чилари бўлимига келгач, у бўйича ижро иши кўзга-ти-либ, 2007 йил 7 мартда ижронини таъминлаш учун шаҳар ҳокимлигига юборилган.

Халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгаши

2007 йил 25 июнда сессия кун тартибига киритилган масалалар қаторида шаҳар ҳокимининг М.Каримовани ҳокимликнинг молия бўлими мудири лавозимига тиклашга оид 2007 йил 22 июнда чиқарилган 835-сон қарорини муҳокама қилиб, уни рад этиш, М.Каримовани мазкур лавозимга тасдиқлаш тўғрисида қарор чиқарган.

Кўрилган чоралар натижасида Жиззах шаҳар ҳокимининг 2008 йил 10 июнда чиқарилган 625-сон қарори, шунингдек, Жиззах вилояти ҳокимлиги Молия бошқармаси бошлигининг буйруғига асосан М.Каримова Жиззах шаҳар ҳокимли-ги молия бўлими муди-раси лавозимига ишга тикланди.

Н.ЙУДШЕВ,
Ўзбекистон
Республикаси
Бош прокурори
ўринбосари



Термиз тумани "Паррандачилик" маҳалласи, 83-уйда яшовчи фуқаро М.Бобониёзованинг Р.Зиганшиннинг хатти-ҳаракатлари юзасидан газета таҳририятига ёзган аризаси тўпланган материаллар билан бирга вилоят прокуратураси томонидан ўрганилди.

ҚАРОР БЕКОР ҚИЛИНДИ

Мазкур ҳолат юзасидан текширув ҳаракатлари Термиз тумани прокуратураси томонидан олиб борилган.

М.Бобониёзованинг аризаси юзасидан текширув ҳаракатлари ўтказилиб, охириги март 2008 йил 18 май куни Термиз туман прокуратураси терговчиси П.Маҳманзаров томонидан ЖПКнинг 83-моддаси, 2-банди билан Р.Зиганшиннинг ҳаракатида жиноят аломатлари йўқлиги, улар ўрта-сида низоли уш масаласи бўлганлиги учун жиноят иши кўзга-ти-шни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Мазкур низо вилоят прокуратураси томонидан ўргани-либ, муаллифнинг важдари тўлиқ текширилмаганлиги, ай-рим ҳолатларга ҳуқуқий баҳо берилмаганлиги ва қарама-қаршилиқлар бартараф қилинмаганлиги сабабли, мазкур қарор 2008 йил 16 май куни бекор қилиниб, қўшимча тек-шириш ҳаракатлари олиб бориш учун иш ҳужжатлари Тер-миз туман прокуратурасига юборилиб, ҳозирда текшириш ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Мазкур ҳолат юзасидан қонуний тўхтама қелиш таъ-минланади.

А. НИЯЗОВ,
Сурхондарё вилояти прокурорининг ўринбосари,
адлия катта маслаҳатчиси

МУАММО БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

Тошкент вилояти, Оҳангарон туманида истиқомат қилувчи Л.Зайкинининг таҳририят-га йўллаган шикоят Тошкент вилояти ҳоким-лиги томонидан ўрганилди.

Аниқланишича, қиш кунлари электр истеъмо-ли ортиб кетганлиги боис электр таъминотида қисқа мuddатли узилиш-лар руй берган.

Шунингдек, насос станцияларидаги айрим носозликлар ва электр энергиясининг номуайян узатилиши туфайли совуқ сув таъминотида

ҳам узилишлар содир бўлган. Эндиликда бу носозликлар бартараф этилди, электр энергия-си ва совуқ сув билан таъминлаш изчил йўлга

қўйилди. Бинобарин, Л.Зайкинага баллонли суолтирилган газ мунта-зам равишда етказиб берилмоқда.

Ш.ТҲУТАЕВ,
Тошкент вилояти ҳокимлиги котибиятининг ишлаб чиқариш, тадбиркорлик, капитал курилиш, коммунал ва ҳўжалик масалалари бўйича мудири

Тизим тадбирлари

МАЛАКАЛИ ХУҚУҚИЙ ЎРДАМ АСОСИ

Адлия вазирлигида Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси раиси Баҳром Саломов билан учра-шув-мулоқот бўлиб ўтди. "Адвокатура тизими ва ҳуқуқий асослар" мавзусидаги мазкур тадбирда Баҳром Саломов адвокатура тизимини ривожлан-тиришга қаратилган ҳуқуқий-меъририй ҳужжат, адвокатларнинг самарали фаолият юритиши учун яратилаётган имкониятлар хусусида тўхтади.

Президентимиз томонидан 2008 йил 2 майда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасида Адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармоннинг мазмун-моҳияти ҳақида Б.Саломов атрофлича фикр юритди.

Шунингдек, адвокатлар малакасини ошириш, уларнинг билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш юртимизда инсон ҳуқуқлари ва ҳимоясини, аҳоли-га малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни таъмин-лашда муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлади.

Қизгин мулоқот тарзида ўтган учрашувда йи-гиланлар ўзларини қизиқтирган саволларга жа-воб олдилар.

Шавкат САТТОРОВ

ТЕКШИРИШЛАР ВА ҚОНУНИЙЛИК

Сирдарё вилояти ҳўжалик судида назорат қилувчи органлар томонидан 2008 йилда киритилган даъво аризалари таҳлили ҳамда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирлар хусусида семинар-машғулот ўтказилди.

Унда вилоят ҳўжалик судида назорат қилувчи органлар томонидан киритилаётган даъво ари-залари бўйича ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашнинг аҳоли таҳлил этилиб, текширишлар-ни қонунда белгиланган тартибда ўтказишнинг аҳоли ўрганилди.

Семинар-машғулотда текширишнинг қонуний асослари ва тартиблари хусусида. Ҳўжалик про-цессуал кодексига ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тартиби бўйича ўзгартиш киритилаётган-лиги, яъни бу тоифадаги ишлар 15 кунда кўри-лиши, ҳал қилув қарори эса уч кунда юборили-ши лозимлиги ва бу борадаги бошқа янгилликлар тўғрисида ахборот берилди.

Шавкат ЭЛЧИБОВЕВ,
Сирдарё вилояти ҳўжалик суди судьяси

"ЗАРКОН" МЧЖда

Бухоро вилоятидаги "Заркон" масъулияти чекланган жамиятида адлия бошқармаси ти-зимидagi нотариал идоралар, жумладан, Бу-хоро шаҳар 1-сон, Бухоро шаҳар 2-сон давлат нотариал идораси ташаббусига кўра, "Асосий мақсадимиз — юртимизда эркин ва обод, фа-ровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир", деб номланган семинар бўлиб ўтди.

Унда Президентимизнинг Ўзбекистон Респу-бликаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йил-лигига бағишланган тантанали маросимда сузлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар, республика-да "Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ҳамда Юртбошимизнинг "Ёшлар йили" Давлат дастури тўғрисидаги Қарори билан боғлиқ мавзуларда маърузалар қилинди.

Семинарда фуқароларнинг ҳуқуқий мавзудаги са-волларига жавоблар қайтарилди.

Маҳфуза НОРОВА,
Бухоро вилояти адлия бошқармаси ходими

ЁШЛАР КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

Поп қишлоқ ҳўжалик коллежида Вазирлар Маҳкамасининг "Ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидaparastлик-нинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги қарорининг мазмун-моҳияти ва Адлия вазир-лигининг "Ўзбекистон Республикасида диний эк-стремизм ва терроризмга қарши курашни кучай-тиришга қаратилган тадбирлар Дастури" ижро-сига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир туман ФХДЭ бўлими ва "Камо-лот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Поп туман бўли-ми томонидан ташкил этилди.

Коллеж ёшлари ҳар бир иштирокчидан ўзла-рини қизиқтирган саволларга аниқ ва батафсил жавоблар олишди. Айниқса, Ўзбекистон мусул-монлари идорасининг тумандаги вакили А.Абду-рахмоновнинг ислом динининг асл мақсади, ёшларни турли диний оқимлар таъсиридан сақ-лаш юзасидан қилган маърузаси қизгин баҳс-мунозарага сабаб бўлди.

Нодира ЖАЛОЛОВА,
Поп тумани ФХДЭ бўлими мудири

● Адлия вазирлигида

СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ

Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини оши-риш маркази томонидан "Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти" мавзусида семинар ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, ОАВ вакиллари ҳамда Юристар малакасини ошириш марказининг тинглов-чилари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар матбуот ва радио, телевидение орқали ҳуқуқий мавзуларнинг ёритилиши, ҳуқуқшунос ва жур-налистларнинг ўзаро ҳамкорли-ги ҳақида фикр-мулоҳаза юрит-дилар. Семинар иштирокчилари жамиятда ҳуқуқий мадания-тни юксалтириш, ҳуқуқий тар-тибот ишларини янада кенг

олиб борилишида ҳуқуқшунос ва журналистларнинг ҳамкор-лиги ва касб малакаси муҳим-лигига эътибор қаратдилар.

Анжуманда Юристар мала-касини ошириш марказининг uzmarkaz.uz веб-сайтнинг тақ-димоти ҳам бўлиб ўтди. Ушбу веб-сайт орқали марказ фао-лиятига доир барча маълумот-

ларни олиш имкони вужудга келганлиги таъкидланди.

Семинар давомида ОАВда ҳуқуқий мавзуларни кенг ва халқчил, ҳаётий тарзда ёритиш масаласига оид бир қанча так-лифлар билдирилди.

Шунингдек, Адлия вазирли-ги қошидаги Х.Сулаймонова но-мидаги Республика суд эксперт-иза марказида ҳам ушбу мав-зуда ўқув семинари ўтказилди. Унда бугунги кунда марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида адлия тизими, жум-ладан, суд экспертизаси фао-лиятига доир материалларнинг ёритилиши ва улар сифатини

яхшилаш, тизимда Ахборот хиз-матини такомиллаштириш, хо-димлар малакасини ошириш ху-сусида суз борди.

Таъкидландики, 2007 йил ва 2008 йилнинг ўтган даврида Республика суд экспертиза маркази томонидан оммавий ахборот воситалари орқали жами 58 та ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилган бўлиб, шулардан 18 таси те-левидение, 21 таси радио, 19 таси газета-журналларда ёри-тилган.

Дилноза АБДУЛЛАЕВА,
Бахтиёр АКРАМОВ олган
суратлар



Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик Декларацияси қабул қилинганига 18 йил тўлди

Мустақиллик бизга осмондан тушмаган. 1991 йилнинг 31 августига тобалик ва мутелик тамғаси, қуллик занжирдан расман қутулишимизга қадар — 80-йилларнинг охири, 90-йиллардаги сиёсий вазиятнинг ўта таҳликали эканлигига қарамай муҳим ҳужжат — Мустақиллик Декларацияси қабул қилинган эди.

Озодлигимизнинг олтин пойдевори бўлмиш бу улуг ҳужжат ўзбек халқи ва ўзбекистонликлар ҳаётида улкан воқеа, ўз тақдир-аъмоли йўлида ишонч билан қадам ташлаган мамлакат тарихининг нузли саҳифасидир.

қаддас ҳужжатнинг кадр-киммати, тарихий аҳамиятини тўлиқ англаб етасиз.

Бу демократик давлат мустақиллиги, чегараларимиз дахлсизлиги, халқимиз иродаси, хоҳиши, ҳимояси, халқаро ҳуқуқларнинг асосий тамойилларини тан олишимиз, Ватанимиз тараққиёти, ўз номи ва давлати белгилари, мустақиллигимизни амалга оширишимиз учун зарур бўлган қонунларни ишлаб чиқиш, демократик-ҳуқуқий давлат қуришга, Ўзбекистон Республикасининг янги Конституциясини яратишга асосланган, Президент ташаббуси билан қабул қилинган ўта муҳим ҳужжат ҳисобланарди. Бу ваколатлар Ўзбекистон халқ тақдир-аъмолида, яратилганлигида, кескин бўрилиш ясаши, шубҳасиз эди. Фақатгина шу йўлда мардона курашиш жасорат талаб қиларди.

Давр нуқтаи-назаридан кузаят қилдилар: "Ҳозирги даврда бизнинг бутун мурод-мақсадимиз аввалроқ зикр этилмиш иқтисодий ва сиёсий тангликни бартараф этишга қаратилган: токи фуқаро пешонасига офтоб тегишсин. Одамлар ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини тугал таниб, тезроқ қад ростласинлар, адолатсизлик ва йўқчиликка қарши курашда бир-бирларига мададкор бўлсинлар..."

Ҳа, бу сўзлар замирида ҳам озодликка интилиш, халқ билан бирдамлик тушунчалари илдиз отганини ҳар бир кўзи очик, қалби тоза одам англаб етди. Мурожаат республикамизнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигига, нузли кунларга ишонч билан йўрилган эди.

1990 йилнинг 20 апрелида Президентимиз республика касба уюшмаси фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашувда ҳам Ўзбекистон иқтисо-

асий қисмини хомашё ва ярим тайёр маҳсулот сифатида ташқарига чиқараётганини маъна билан изоҳ қилиш мумкин? Пахта, пилла, қорақўрт тери, мева-сабзавот эвазига нима учун Ўзбекистон бунинг ўрнини қоплайдиган маҳсулотни ололмапти? Ўзбекистон "пахта иши", қатағонлар, оммавий қонунсизликлар майдонига айланган қолдики, бу одамларнинг миллий қадар-қиммати ни камситмоқда..."

Бу гаплар унча-фунча йигинда эмас, КПССнинг XXVIII съездида айтилди. Ана энди ўзингиз хулоса қилиб олаверинг. Марказнинг қўлига ёмон қўришидан чўчиш, "айирмачилик қилапти", деган таънадан қўриш хисси бўлганда эди, бу ўринда халқ шаъни, юрт тақдирига бефарқ қараларди. Йўқ, Ўзбекистон ўз позициясида собиқ иттифоқ "ўзинг учун ўл етим" қабилида ёндашган...

Бугунги ёшларимизга бўлган эътибор, уларга яратилган шароитлар ҳали озодликка эришмаган юрт раҳбарининг ўша суронли йилларда дилига тугиб қўйган ниятининг вожиб бўлишидир. Гапимиз куруқ бўлмаслиги, тасдиғини топиши учун 1990 йилнинг 16 ноябрда давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон ўқитувчилари, тарбиячи ва мураббийларига қарата айтган ушбу сўзларини келтиришимиз кифоя: "Биз элимиз, юртимиз, заминимиз, муқаддас туپроғимиз қадрига етди-деган, уни таваф қиладиган фарзандларни камол топтиришга алоҳида эътибор бермоғимиз керак. Бусиз Ўзбекистоннинг келажаги йўқ. Буни ҳаммамиз тушуниб олошимиз шарт..."

Зукко ўқувчи англаган бўлса керак. Мустақиллик Декларацияси миллатни озод этмай туриб, эзгу мақсад-манзилларга етмоқ душвор экан-

Хуллас, Ўзбекистон гўёки, салбий ҳодисалар мамлакатига айланган эди. Кимларгадир республикадаги яхши ишлар, мамлакат раҳбарияти томонидан халқни иқтисодий юксалиш сари қорлаш, танг вазиятдан чиқиб кетиш чораларини излаши сира-сира ёқмас эди. Фарғона, Қўқон, Паркент, Наманган воқеаларида ўзбек халқининг қўли бор, бу халқнинг "айричили"ги учун шу ҳодисалар содир бўлди, деу томоқ йиртиб бақирувчилар "марказий" матбуот вакиллари орасида тез-тез ўраб турарди. Улар кимларнингдир садақасига учиб, тегирмонига сув қўйиб, Ўзбекистонни ёмонотлик қилиш билан овора эди.

Истиқлолимиз эълон қилинган, кўпчилик довлар қолди. Уларнинг кўнглини энди нима бўлади, деган ҳадик, хавотир қолмаганди. Иккилилик, ўз йўлини топа олмай қийналган кимсаларнинг тебраниб туриши ғанимларимизга қўл келарди. Шундай бир шароитда Президент ёнида туриш, унга ишончи, оламга теранроқ назар солишни айримларнинг эплай олмагани ҳам ҳақиқат. Энг ёмони, юртимиз истиқлолимизнинг дастлабки йилларида, энди Ўзбекистон дунёнинг катта давлатларига қарам бўлиб қолади, қулоғига қарзга ботади, охири мутеликка қайтади, деган "башорат"лар айтилганини ҳам ёдга олайлик.

Ҳа, биз биринчи йилларда иқтисодий қийинчиликларга дуч келдик. Бироқ бизни ўз мақсад ва маслагимиз йўлидан ҳеч нарса қайтара олмади. Собит турдик. Чунки истибод тузуми бағридаёқ Мустақиллик Декларациясини эълон қилган давлат ўзини озодликни бериб қўйиш, қулликка қайтиш, таназзул, таъбир жоиз бўлса, ҳалокат эди.

Хар хабарда тараққий топиш, изчил ислохотларни амалга ошириш, ҳарбий куч-қудратимизни яратиш, маърифий ва маънавий йўналишларда илҳомий силжиларга эришиш, албатта, ёш мустақил давлат учун осон эмас эди. Лекин ўзимизни яратиб асосида улкан заводалар қурдик. Тараққиётимиз учун муҳим бўлган режалар асосида иш олиб бордик. Бировга қарам бўлиб қолмадик. Кейинчалик барча ҳаракатларимиз самараси амалда бўй қўратган, четдан шубҳа билан қаровчилар сони камая борди. Ўшундан қўйиб айтганда, юртимизда бунёдкорлик тантана қилди. Бу ҳолни халқнинг ўзи кўриб, билиб турибди.

Ҳа, бу йил озодлигимизнинг тамал тоши ўз ифодасини топган — Мустақиллик Декларацияси қабул қилинганига 18 йил тўлди. Бу эркинлик йўлидаги дадил қадам эди. Мустақиллигимизнинг 17 ёши нишонланганидан йилда — ўша улуг тарихий воқеани эслаш, ёдга олиш эса ҳар биримизнинг руҳиятимизга тетиклик бахш этади. Ва озодлик осмондан тушмаганини англагандай бўламиз.

Кўчкор НОРҚОБИЛ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Кечаги кунга бир назар

МУСТАҚИЛЛИК ДЕКЛАРАЦИЯСИ — ОЗОДЛИКНИНГ ОЛТИН ПОЙДЕВОРИ

батан умид учкунлари йилтилади. 1990 йил 22 июнида республикамизнинг ўша даврдаги етакчи наشرлари ушбу ҳужжатни — озодномани эълон қилдилар.

Империянинг қонли сиртмоғидан қутилиш учун жуда зукко, босиқ, тадбирли бўлмоқ жоиз эди. Озод бўламиз, деб майдонга чиққан қардош халқлар бармоқ билан санарли, борларнинг бошида қилич уйнаётгани ҳақиқат эди. СССР таркибидан айрилиб чиқмоқда бар болгаган Латвиянинг "Латвия Республикаси мустақиллигини тиклаш тўғрисида"ги баёни, Эстониянинг "Давлат мақоми тўғрисида"ги қарори ўша пайтда СССР Президентини Фармон билан беқор қилди. Энг қизиғи, ўз хурриятига эришмоқ истаган бу давлатларга бузғунчилик, миллий худбинлик, айирмачилик қилапти, деган айб тақалди. 1990 йилнинг 14 майдига бу Фармон эркинликка нисбатан ҳар қандай ҳаракатга нуқта қўйилишига ишора эди.

Ўша Фармондан сўнг бир ойдан кўпроқ вақт ўтиб, Мустақиллик Декларациясини қабул қилган Ўзбекистоннинг қўзғалган мақсадида эса асосан ўз халқининг эрки, ор-номуси, келажаги, бахтли ҳаётига интилиш туйғуси ифодаланган эди. Декларация матнини эътибор берсангиз, бу му-

тадиган бўлсак, ўша чоғларда бундай ҳужжатни эълон қилиш чин маънодаги қахрамонлик эди. Бундан бир йил олдин Фарғона фожиясини бошдан кечирган, қора кучлар турли миллатлар ўртасига солган ифтиқоднинг жабрини кўрган Ўзбекистонимиздаги танг сиёсий аҳволда бу қадар йўл тутиш осон кечмасди, албатта. Фарғонадаги фожия оловини Бўжа ва Паркентда ҳам содир этмоқчи бўлган ёвузлар содда кишиларни йўлдан ураётган чоғда, одамларда эртанги кунга умид нишониси пайдо бўлишини истамаган бир гала қонқўрлар юртимиз узра изгиб, тинч-лигимизни барбод қилишига уринган, маълум маънода бунга эришган паллада, халқни озодлик сари бошлаш учун мамлакат ишончли қўлда бўлиши керак эди. Бир томондан, империя қўлни қўйвормай турса, иккинчи томондан, мамлакат ичкарисида халққа кутку солиб ижри-гилхоловчилар, уруш ўтини ёқиб тарафдори бўлганлар изгиб юрса, юртни беталофат сақлаб қолиш истагидида қатъий билан Президент халққа пешовоз чиқиб шу сўзларни айтгани йимонли кишиларнинг ёдидан қутарилмаган бўлса керак, деб ўйлайман.

Яъни, Ислам Каримов 1990 йилнинг май ойида Декларация қабул қилинишидан бир ой аввал Ўзбекистон ахлига муро-

диёти ва турмушининг ривожланиши даражаси бозор иқтисодиётига ўтгунга қадар уни атрафли ва вазиинлик билан урганиб чиқишни талаб этаётганини таъкидлаган эди. Иқтисодий билимларга таянган асос ва мезонларсиз юртининг эртанги кунини тасаввур қилиб бўлмайди, деган реал фикр таърибали раҳбарнинг Ўзбекистон келажаги учун мавжуд вазиятни тўғри англаб етганидан далолат эди. Одамларга қуруқ ваъда бериб, олди-қоңди баландпарвоз сўзлар билан минбарларга чиқиб бақирмоқчи қилаётган кимсалар бунга тушуинмас эдилар.

1990 йилнинг май ойидаги мурожаатда Президентимиз яна шундай деганлар: "Бизнинг ниятимиз аниқ ва равшан. Ҳаммамиз ҳам элнинг нони бутун бўлсин деймиш. Йиллар давомида пайсалга солиб келинган муаммоларимиз ҳам жуда кўп. Уруш қатнашчилари ва серферзанд оналарнинг аҳолини яхшилаш, деҳқонларга ер-сув бериш, миллий аъналаримизни тиклаш, тилиларимиз равнақи, кишиларнинг виждон ва эътиқод эркинликларини сўзда эмас, балки амалда таъминлаш борасида катор ишлар қилинди. Буларнинг барчаси — жумҳуриятимизнинг иқтисодий ва сиёсий муста-

қилини таъкидловчи ҳужжат эди. Ўша даврни маълум маънода қўз олдимизга келтирдик. Марказнинг айрим наشرлари юртимизга мағзава ағдара бошлаган эди. Гўёки Бухородай муқаддас шаҳримизда фохшабозликка руҳсат берилган, деган гирт аҳмоқона уйдирмаларни тўқиб ёзишарди. Энг қизиғи, Ўзбекистонга тўхмат қилган ўша наشرлардаги мақолалар муаллифи тоғилмасди. Халққа нисбатан тўхмат тошини отувчилар кўпайиб, ёлгонни ямламай ютиб, Ўзбекистонни ёмонотлик қилувчиларга қарата Ислам Каримов жим қараб туролмади. У 1990 йилнинг 18 декабрда Кремлнинг съездлар саройида минбарга чиқиб шундай деди: "Кеча тўғтинчи съезд бошланган кун эрталабдан бошлаб Марказий телевидение Ўзбекистон ҳудудидаги уюшган жиноятчилик тўғрисидаги 4 серияли фильмни кўрсата бошлади. Худди шунингдек, халқ депутатларининг бундан илгариги учинчи съезди иш бошлаган биринчи кунни Ўзбекистондаги пинхона иқтисодиёт тўғрисидаги 6 серияли фильм намойиш этила бошланган эди. Бу нимадан далолат этмоқда ва бу кимга керак? Наҳотки мафия фақат Ўзбекистонда иш кўраётган бўлса?"

Ўзбекистоннинг эртаси, ҳаёт-мамоти хусусида Марказ жон куйдиришни истамасди. Коти юртининг фиркли, ҳаёт-мамоти фарзандлари оёққа қалқмаса ҳисоб эмас эди. Йўқса, Чернобыль фожияси билан қийёслаш мумкин бўлган Орол ҳудудидаги экологик танглик, оғир вазият ўша пайтда катта анжуманлар, яъни Москвада ўтадиган йигилмишларда ечимини топиши керак эди. Афсуски, бу масалага

Республикамиз истиқлолга эришгач, қисқа муддат ичида ўзининг галла мустақиллигини мустақамлашга эришди.

Агар соҳадаги ислохотлар, галла мустақиллигини таъминлаш жараёнида дон маҳсулотларини қабул қилиш ва қайта ишлашга иختисослашган инфраструктура шаклланди. Аммо, "гурч курмаксиз бўлмайди", деганларидек, мазкур соҳада ҳам қоррунш ва иқтисодий жиноятчилик билан боғлиқ ҳолатлар учраб турибди. Шу боис, давлат бойлиги ва халқ ризқига қўз тиккан бундай унсурларга қарши жиддий кураш олиб борилмоқда.

Яқинда Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судида "G'alla-alteg" ОАЖда бир неча йиллар давомида иқтисодий жиноятлар содир этиб келган ана шундай жиний уюшма фаолиятига нуқта қўйилиб, айбдорлар қонуний жазоларини олишди.

"Искандар юриши"нинг бошланиши

Халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида ишлаб, етарлича таъриба тўплаган Искандар Юнусов 1995 йилда "G'alla-alteg" ОАЖга ишга кирганида, ҳали олдинда уни нималар қутаётганини тасаввур ҳам қила олмаган бўлса керак.

"G'alla-alteg"да тегирмон бошлиғи вазифасида иш бошлаган Искандар Юнусов бир йил ўтар-ўтмас элеватор цехи бошлиғи вазифасига қўтарилади. Бу вазифада бироз ишлаб, паст-баландини ўрганиб олгач, ўзига ишониб топширилган лавозим ортидан мўмай пул топишга киришиб кетади. Шу тариха унинг "G'alla-alteg"даги "юрюши" бошланади.

"Якка отнинг донги чикмас" деганларидек, И.Юнусов бир ўзи шундай катта ташкилотнинг элеватор цехидаги моддий ресурсларни ўзлаштириши қийин кечилиши яхши тушунар эди. Шу сабабдан ўзи "муаллифлик" қилган жиний режани амалга оширишда шерикликка ярайдиган ходим қидиради. Топади ҳам. Бу одам — мазкур цехда оддий ишчиликдан технология лавозимига йўлни босиб ўтган, ишнинг қўзини биладиган Бахтиёр Раҳматов эди.

Оддий иш қўларининг бирида Искандар технолог Бахтиёрни хонасига чақириб, ҳамкорликни таклиф қилганида у иккиликни ўтирмади. Бу соҳадан хабари бор кишиларга маълумки, элеватор цехида дон маҳсулотларини

қабул қилиш, тозалаш, ун тайёрлаш учун тегирмонга узатиш каби ишлар амалга оширилади. Яъни, цех бошлигининг вазифаси анчагина масъулият, виждон ва халолликни талаб этади. Аммо масъулиятни унутган Искандар Юнусов элеваторга келиб тушган бугдойни виждонига қўшиб, яширинча пулда бошлайди. У 2004 йилда ҳамтовови Бахтиёр Раҳматов билан тил бириктирган ҳолда умумий суммаси 515.007.110 сўмлик 3.987.915 килограмм бугдойни талон-торож қилиб, ўзлаштириб юборди.

Тез орада пулдорга айланган Искандар Юнусов ўша йилнинг декабрига келиб "G'alla-alteg" ОАЖ раиси лавозимига тайинланади. Турган гапки, ҳали унинг қинғир ишларидан кўпчилигининг хабари йўқ эди.

Бир думалаб акциядорлик жамиятининг раисига айланган Искандар ўтган ишларга қўл силтаб кетолмас эди. У энди қандай бўлмасин, элеватор цехидаги жуда катта миқдордаги камомадни, шу аснода содир этган жиноятини яшириши керак эди.

Муносиб кадр

"G'alla-alteg" ОАЖ раиси курсисини эгаллаган кунининг эртасигаёқ И.Юнусов қадрдон ҳамтовови Б.Раҳматовни хўзурига чақиртирди. Сабаби аниқ, раислик курсисида салобат тўқиб ўтиргани билан унинг кўнглига қил сикмас, агар жинийроқ фош бўлса, бошқа курсида ўтириши мумкинлигига унинг фаросати етарди.

Кечагина халқ ризқини биргалликда "туя қилиб юрган" "устози"нинг катта амалдорга айлангани-



дан ҳаволалиб юрган "шогирд" раис хўзурига зумда етиб келади.

Қуюқдан-қуюқ қутловлар оғушида янги раис сенингизга мақсадага кўчади: "Биз сиздай таърибали ходимларнинг қадрига етасиз. Мулоҳаза қилиб қўрдим, элеватор цехига бошлиқ бўлишга сиздан муносиброқ кадр йўқ экан. Шу вазифани сизга топширишга қарор қилдим".

"Устози"дан бундай марҳаматни кутганим-йўқми, бир нарса дейиш қийин, аммо Бахтиёр Раҳматов нима деганини билмай қолди. Сўнг "Сиз шуни маъқул қилган экансиз, мен нимаям дардим. Лекин..." Бир томондан "ёғли" лавозим деганини эшитиб бахтиёрликдан боши осмонга етган бўлса, иккинчи томондан элеватор цехидаги салкам 4 минг тонналик камомаднинг юки унинг кўнглига гўлгула со-

ХАЛҚ РИЗҚИНИ

ёхуд "G'alla-alteg"даги эл насибасига

либ турган эди. Гумаштаси кўнглидан нималар кечаётганини яхши тушуниб турган Искандар Юнусов "Сиз цехи қабул қилиб олаверинг, камомадни ёпишни эса менга қўйиб беринг", дея уни тинчлатирган бўлди.

Хуллас, шу кунёқ раис имзоланган буйруқ билан Бахтиёр Раҳматов элеватор цехи бошлиғига айланади.

«Кўғирчоқ» ҳайъат

Тартиб-қоидага кўра, муайян корхонада моддий жавобгар шахс алмашганда ҳайъат тузилиб, моддий-товар бойликларини топшириши ва қабул қилиш жараёни кечади. "G'alla-alteg" ОАЖ элеватор цехига янги бошлиқ тайинланиши муносабати билан ҳам худди шундай бўлади. Раис буйруқ чиқариб, корхона ходимларидан иборат ҳайъат тузади ва ҳайъат зиммасига элеватор цехидаги моддий бойликларни топшириш-қабул қилиш вазифасини юклайди.

Ҳайъат аъзолари: корхона бош муҳандиси С.Ходжаев, бўлим бошлиғи Р.Рустамбеков, бош ҳисобчи Д.Завьяловлар бу вазифани "астойдил" бажариб, халқни ўтказишда ва бир овоздан "элеватор цехида оқланмайдиغان бугдой камомати аниқланмади", деган хулоса беришади.

Савол туғилиши табиий: наҳотки, цехдаги оз эмас, кўп эмас, салкам 4 минг тонна камомадни ҳайъат аъзоларидан ҳеч ким пайкамаган бўлса? Еки бунга аниқлаш шунчалик мушкулми?

Гап шундаки, "еган оғиз уялар", қабилида иш тутган ҳайъат аъзолари бу вазифани Искандар Юнусов тайинлаганда бажариб, унга содоқатларини намойиш этишган. Яъни, ҳайъат томонидан бухгалтерия ҳужжатлари асосида номигагина олиш-топшириш далолатномаси тузиб чиқилади. Ҳайъат

«Тегирмон тўхтамасин...»

Кўғирчоқ ҳайъат шарофати билан Искандар Юнусов ҳам бироз хотиржам тортиди. Аммо 4 минг тонна бугдой бир ховуч бугдой эмаски, "ёпиғлик қозон ёпиғликка қолаверса". Бунча камомадни юқоридан келадиган текширувчилардан қандай шир тутиш мумкин? Қолаверса, тегирмон тўхтаб қолмаслиги керак...

Раис ана Бахтиёр Раҳматов ва корхона бош муҳандиси Суннатилла Ходжаевни чақиртиради. "Илҳомини қиламиз, ҳўжайин. Эски бугдой бўлмаса, янги-сида. Асосийси, тегирмон тўхтаб қолмасин", дейди Б.Раҳматов фидойлик билан.

Шундай қилиб, Б.Раҳматов янги қабул қилинган бугдойни ҳам И.Юнусов элеватор

Мазкур саҳифа Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ўртасида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, қонунийликни таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот ишлари бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисида имзоланган Меморандум асосида Тошкент вилояти прокуратураси фаолияти бўйича тайёрланди.

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар негизидан инсон, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари ҳимояси кафолатланган, қонун устуворлиги таъминланган юксак фуқаролик жамияти барпо этишдек олий мақсад турибди. Буюк жаҳонгир Амир Темурнинг "Қонун ҳукмрон бўлган жойда, адолат барқарордир", деган ҳикматли сўзлари миллий давлатчилигимизнинг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Тошкент вилояти прокуратураси органлари томонидан амалдаги қонунлар, Президент фармонлари, ҳуқуқат қарорлари ва Бош прокурорнинг буйруқ ҳамда кўрсатмалари асосида қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий

камиз иқтисодиётининг тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган тармокдир. Шу нукта назардан мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ўрни ва роли изчил ўсишини таъминлаш борасида 2008 йилда унинг янги ички маҳсулотдаги улушини 45 фоизга, 2010 йилда эса 50-52 фоизга етказиш мўлжалланмоқда.

Тошкент вилоят прокуратураси то-

Вилоятимиз аҳолисининг 37,5 фоизини вояга етмаганлар ташкил этади. Жорий йилнинг 1-чорагида мазкур йўналишда 123 та текшириш ўтказилиб, қонунбузилиш ҳолатларини бар-тароф этиш мақсадида 247 та тақдимнома, 55 та протест киритилди, мансабдор шахсларнинг 812 нафари интисомий, 282 нафари маъмурий, 129 нафари моддий жавобгарликка торти-либ, 8 та ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилди.

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш кенг қамровли ва юксак масъулиятли вазифа. Ахир халқимиз "Бир болага етти маҳалла ота-она", деб бежиз айтмаган. Бу борада вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, "Қамолот" ЁИҲ, ИИБ ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Мазкур дастур бўйича вояга етмаганлар ва ёшларни назоратсиз қолдирмаслик юзасидан ҳамда улар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, гиёҳвандлик, ОИТС, терроризм, диний экстремизм каби иллатларнинг олдини олиш мақсадида турли тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Бунинг натижасида вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,2 фоизга, жиноятда иштирок этишлари 16,2 фоизга камайди.

Вояга етмаганларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш улар ўртасида ҳуқуқбузилишнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Президентимизнинг 2002 йил 24 февралдаги бошланғич таълим тўғрисидаги қарори билан спортини ривожлантиришга оид Фармони юзасидан вилоятда болалар спортини ривожлантиришга, болаларни оммавий спортга кенг миқёсда жалб этиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, вояга етмаганларнинг ижтимоий муҳофазаси, соғлигини сақлаш ва таълимий оид қонун ҳужжатларининг ижроси мунтазам равишда назорат олинган.

Ота-она қарамағдон маҳрум болалар давлат ва жамоат ташкилотларининг доимий эътиборида. Улардан 530 нафарига вазий, 688 нафарига хомий тайинланган. 7 нафари тарбия олишга берилган. 206 нафар бола Чирчиқ шаҳар ва Бўка туманидаги меҳрибонлик уйларида тарбияланмоқда. Бўка туманидаги 15-сонли Меҳрибонлик уйига хомийлар ёрдамида 300 миллион сўмлик ёзги бассейн ва спорт майдончаси қуриб берилди. 120 нафар бола тумандаги қорхона ва ташкилотлар томонидан хомийликка олинган.

Бир сўз билан айтганда, халқимизга хос хайр-саховат каби азалий қадриятларимиз амалдаги қонунларимизда ўз аксини топмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ўтмишсиз келажақ йўқ. Тарихга назар соладиган бўлсак, қонунийлик мамлакат тараққиёти ва юрт равнақининг муҳим мезони бўлиб келган.

Буюк келажақ йўлида собиққадам миллий давлатчилигимизда қонун устуворлиги ва адолат ҳамisha барқарордир.

Бекжон ҚЎҚОНБОВ,
Тошкент вилояти прокурори

Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунига кўра, Тошкент транспорт прокуратурасининг асосий вазифалари юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш, амалдаги қонунлар, Тошкент шаҳар ва вилоят ҳудудига темир йўл тизимидаги ҳаракат хавфсизлигини, йўловчиларнинг осойишталигини ҳамда йўловчиларга намунали хизмат кўрсатишга ва темир йўл ходимларини ижтимоий ҳимоялашга оид қонунлар ижросини таъминлашдан иборат.

БУЮК МАҚСАД ЗАМИРИДАГИ ЭЗГУЛИК

Шунингдек, "Ёшлар йили" Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш ҳамда ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур ҳужжат истиқлолимизнинг илк кунларидаёқ буюк мақсадимизга айланган эзгуликнинг мантйқий давомидир. Жумладан, 1991 йил 20 ноябрда "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши ва мазкур қонунни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури", "Ўқувчи ёшларни рағбатлантириш чоралари тўғрисида"ги ва "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг самардорлигини янада ошириш тўғрисида"ги Президентимизнинг қарорлари ва бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар фикримизнинг яққол исботидир.

"Ёшлар йили" Давлат дастурида "... ёш авлодига ҳаётга катъий эътиқод ва қарашлар руҳида, менталитетимизга ёт бўлган за-

рарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, миллий ҳамада умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш"га алоҳида эътибор қаратилганки, бу юксак масъулият олдига барчамиз бирдек жавобгарликни ҳис қилмоғимиз даркор.

Мазкур дастурнинг ижросини таъминлаш борасида Тошкент транспорт прокуратураси томонидан аниқ мақсадларга йўналтирилган режа ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ, бир қатор тегишли ташкилот, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан ҳамкорликда маҳалла ёшлари, ўқув юрти талабалари ўртасида турли тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида "Биз гиёҳвандликка қаршимиз", "Гиёҳвандлик — инсоният кушандаси" каби мавзулар бўйича учрашув ва давра суҳбатлари мунтазам равишда ўтказиб келинади.

Глобаллашув жараёнида ёшларимиз онгини заҳарлаб, миллий-лигимизга, гоёмизга ва ўзлигимизга ёт бўлган мафқуравий

таъйиқ мавжудлиги сир эмас. Юртбошимизнинг "Биз фарзандларимизни ҳеч кимга бериб қўймаймиз", дея жон куйдиришлари ҳар биримизни келажақ авлод тақдирини учун огоҳликка ундайди, фидойиликни талаб қилади. Шу нукта назардан айтиш мумкинки, Тошкент транспорт прокуратураси ходимларининг ёшлар ўртасида олиб бораётган тарғибот ишлари, йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолияти ва амалдаги қонунлар ижроси устидан назорати юртимиздаги тинчлик, барқарорликнинг таъминлаш ва барқарор авлод тарбиясига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Масалан, прокуратура томонидан мутахассислар иштирокида Тошкент темир йўл муҳандислари институти қошидаги "Миробод" академик лицейида ўтказилган текшириш ҳам асосан талабаларга берилаётган таълим-тарбия ва уларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларига қаратилди.

Текшириш давомида ўқув муассасаси раҳбарияти томонидан бир қатор хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги маълум бўлди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида қонун қабул қилинган 3 нафар ўқувчининг 1 нафари ётоқхонада жой билан таъминланганлиги, ота-онаси ногирон Д.Утемишовга ётоқхонадан жой бериш ҳамда уни кам таъминланган ўқувчилар рўйхатида киритиш чоралари қўрилмаганлиги аниқланиб, прокуратуранинг аралашуви билан унинг бузилган имтиёзлари тикланди.

Ўқув жараёни эса талаб даражасида йўлга қўйилмаганлиги оқибатида қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги ва унинг олдини олиш юзасидан институт раҳбариятига тақдимнома киритилиб, лицейнинг 10 нафар маъсул ходимига интисомий жазолар қўлланилди.

Зеро, ёшларга берилаётган бугунги таълим-тарбия уларнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини, эртанги кунда ким ва қандай инсон бўлиб етишишларини белгиланчи муҳим омили бўлганидек, "Ёшлар йили" Давлат дастури фарзандларимиз камолати кафолатидир.

Акбар ТУРСУНОВ,
Тошкент транспорт прокурори

Суратда: Тошкент вилояти прокуратураси ходимларидан бир гуруҳи иш жараёнида.

ҚОНУНИЙЛИК ВА АДОЛАТ БАРҚАРОР

тизимини ҳимоя қилиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида муайян ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Маълумки, давлатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Зеро, мамлакатимиз тараққиётининг асосий тамойилларидан бири кучли ижтимоий ҳимоядир. Вилоят прокуратураси томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга доир қонунлар ижроси юзасидан 2007 йил ва 2008 йилнинг биринчи чорагида ўтказилган 85 та текшириш натижасига кўра, қонунга зид ҳужжатларга нисбатан 494 та протест келтирилди, қонунбузилишларни бартараф этиш тўғрисида 312 та тақдимнома киритилди, жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 26 та жиноий иш қўзғатилиб, судларга 60 миллион сўмлик нафақа ва моддий ёрдам пулларини ундириш ҳақида 299 та арiza киритилди.

Жумладан, "Тошкент почтаси" ОАЖ Юқоричирик бўлими ва унга қараши алоқа бўлиминининг мансабдор шахслари нафақахўрларнинг 105,7 миллион сўм нафақа пулларини ўлаштирган.

Шунингдек, вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи Г.Қамолова Олий Мажлис Сенатининг 2006 йил 30 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 14 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарорига асосан жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган 235 нафар меҳнатга лаёқатли шахслардан 44 нафарини ишга жойлаштириш чораларини кўрмаганлиги аниқланди.

Маълумки, тадбиркорлик республи-

монидан 2007 йил ва 2008 йилнинг 1-чорагида тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлаш борасида 280 та қонунчилик тарғиботи амалга оширилди. Шу йўналишдаги 43 та текшириш натижасига кўра, 43 та протест, 77 та тақдимнома киритилиб, 96 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди, 8 та жиноий иш қўзғатилди.

Текшириш давомида назорат органларининг айрим ходимлари тадбиркорлик субъектларига нисбатан ноқонуний тарзда молиявий жарималар қўллаш ва улардан пора талаб қилиш ҳолатлари аниқланди.

Масалан, Чиноз тумани ҳокимлигининг хусусийлаштириш бўлими бошлиғи А.Тошпўлатов фуқаро Ш.Эргашевга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш мақсадида сотиб олинган қорвачилик фермасининг баҳосини Давлат мулк қўмитаси Тошкент вилояти бошқармаси орқали арзонлаштириб бериш эвазига 300 АҚШ доллари пора тариқасида олган вақтда ушланди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан вилоят прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилиб, айбдор шахсларга нисбатан тегишли жазо тайинланди.

Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонун прокуратура зиммасига вояга етмаганларга оид қонунлар ижросини назорат қилиш вазифасини ҳам юклайди. Республика Бош прокурорининг 2004 йил 22 июндаги "Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 27-сонли буйруғи эса бу жараёнда муҳим аҳамият касб этмоқда.

цеҳи бошлиғи бўлган даврдан, қолган эски ҳисобдаги бугдойга аралаштириб тегирмонга узатаверади. Тегирмонга юборилган бугдойлар тарозидан ўлчаниб, ҳисоблагичдаги кўрсаткичларни ўлчов ведомостларига киритиб қўяверади. Хайъат аъзолари эса ана шу ведомостларга кўзларини чирт юмиб, имзо қўйиб бераверишади. Қарабаски, Искандар Юнусов жавобгарлигидаги бугдой камомадини ўзи қабул қилиб олган бугдой ҳисобидан "ёпиб" келган Бахтиёр Раҳматов жавобгарлигидаги бугдойдан шунча миқдорда камомад пайдо бўлади. Аммо элеватор цеҳи бошлиғининг "уддабуронлиги"ни кўрингки, у ана шу камомадни 2007 йилнинг июнига қадар ҳисоботларда акс эттирмай, яшириб келишнинг уддасидан чиқа олган. Хўш, бунга у қандай эришган?

Хайъат "синалган" ходимлар: қорхона бош муҳандиси С.Ходжаев, бўлим бошлиғи Р.Рустамбеков, бош ҳисобчи Д.Завьяловлардан иборат таркибда тузилди. Қорхона элеваторида хатлов ўтказилган ҳолати кўп бўлмагани боис, хайъат аъзолари ўша хатлов яқинлари бўйича тозалов далолатномасини расмийлаштиришади. Шу тариха сохта маълумотлар билан тўлдирилган ведомостлар асосида тузилган тозалов далолатномаси раис томонидан имзоланиб, давлат дон инспекциясига тақдим қилинади.

Хаш-паш дегунча, орадан бир йил ўтиб кетади. 2006 йилнинг 10 февралда "Ўздонмаҳсулот" АКнинг буйруғи чиқарилиб, яна қорхонада дон ва дон маҳсулотларини хатловдан ўтказиш ишлари бошланади. Искандар Юнусов бу сафар ҳам ўтган йил-

Хайъат аъзоларини ҳузурига чақирган Искандар Юнусов вазиятни тушунтирар экан, "бугдй энди узларинга хавола, кемага тушганининг жони бир", дейди нималаргадир ишора қилиб. Турган гапки, уларнинг ҳаммаси ҳам "гойиб бўлган 4 минг тонна бугдойдан" хабардор эдилар. Ходимлари билан тил бириктирган И.Юнусов бу сафар бироз бошқача йўл туттиришга қарор қилади. У "G'alla-alteg"нинг Тошкент дон қабул қилиш филиали раҳбари А.Тўлаганов ва оғир мудири Ш.Улмасовга тегишли ҳужжатни расмийлаштирмай, ноқонуний равишда қорхона элеваторига 4 минг тоннага яқин бугдой қўлатишни, қорхона транспорт цеҳи етакчи муҳандиси Э.Мирсамиковга эса мазкур мақсадлар учун сохта йўл varaқлари асосида юк машиналари билан ноқонуний равиш-

жирининг бир жойида узилиш бўлмоқда. Яъни, дон қабул қилиш филиали оғирдордан ноқонуний келтирилган бугдойнинг ўрни қандай тўлдирилади? Искандар Юнусов бошчилигидаги жиноий гуруҳ учун бунинг чорасини топиш ҳеч гап эмас эди. Улар қорхона элеваторига филиал оғирдордан 2006 йилнинг 1 майдан 24 майга қадар бугдой келтирилгани ҳақидаги сохта юк хатлари ва йўл varaқларини расмийлаштириб, бу маълумотларни харбий қоровуллар томонидан юритилаётган китобларга қайд этиб қўйишади. Шу тариха оғирдор хонадаги камомад яна элеваторга "кўчади". Бу сафар ҳам сохта маълумотлар асосида тузилган тозалов далолатномаси Давлат дон инспекциясига топшириб юборилади.

ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛДИЛАР

чанг солган жиноий гуруҳнинг фош этилиши

«Кемага тушганининг жони бир»

2005 йилнинг 24 январидан "Ўздонмаҳсулот" АКнинг буйруғи чиқарилиб, қорхонадаги дон ва дон маҳсулотларини хатловдан ўтказиш ишлари бошланади.

Ҳар қандай фидойиликнинг ҳам чегараси бўлар экан шекилли, элеватор цеҳининг бошлиғи текшириш бошланиши билан раиснинг олдига арз қилиб киради. Ахир, элеватор цеҳидаги 4 минг тонналик камомад энди унинг бўйнига ўтган, бирон қор-хол рўй берса, кулгунини ушлаб кетиши ҳеч гап эмас.

"Сиз кўп ташвишланманг, камомадни ёпишни мен бўйимга оламан", дея уни тинчлантиради Искандар Юнусов.

Раис "Ўздонмаҳсулот" АКнинг ўқорида айтиб ўтилган буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида буйруқ чиқариб, қорхонадаги донни хатловдан ўтказиш бўйича хайъат тузади.

ги найрагини ишга солиб, хатлов ўтказиш бўйича хайъат тузади. Бу сафар хайъатга қорхона бош муҳандиси С.Ходжаев, бўлим бошлиғи Р.Рустамбеков, бош ҳисобчи Д.Завьяловлардан ташқари ўз муовини А.Рихсиев, ҳисобчи И.Саитова, қорхонанинг дон қабул қилиш филиали бошлиғи А.Тўлаганов, бўлим бошлиғи А.Атаханов ва ҳисобчи Л.Ларкинани жалб этади.



6

да бугдой ташиб келтиришни топширади. Элеватор цеҳи бошлиғи Бахтиёр Раҳматовга эса ноқонуний равишда ташиб келтирилган бугдойни ҳисоботларда қайд этмаган ҳолатда, сохта юк хатлари асосида қабул қилишни айтиб ўтиришга ҳожат ҳам йўқ эди.

Шундай қилиб, 2006 йилнинг апрелида қорхонанинг Ҳамза туманидаги дон қабул қилиш филиалидан элеватор цеҳига ноқонуний равишда 3.591.140 килограмм бугдой ташиб келтирилади. Ҳеч бир ҳужжатда қайд этилмаган шунча бугдой элеватордан тегирмонга узатилаверади. Қорхона лабораторияси ходимлари ҳам ушбу бугдойдан намуна олмасдан сохта юк хатини имзолаб қўя қолишади.

Қорхона элеваторига шунча миқдордаги бугдой ноқонуний равишда ташиб келинади-ю, харбий қоровуллар сезмай қоладими, деган савол туғилиши табиий. Искандар Юнусов харбий қоровуллар бўлими бошлиғи Ш.Юнусов, унинг ўринбосарлари Т.Мирзаходжаев, Д.Маҳамов ва смена бошлиғи У.Шамсиддиновлар ҳам оғзини ёпиш чорасини топган эди.

7

Ойни этак билан ёпиб бўлмайди

2007 йилга келиб Искандар Юнусов бошчилигидаги жиноий гуруҳ ўтган йиллардаги сценарий бўйича "гойиб бўлган 4 минг тонна"ни яширишга муваффақ бўлишади. Бироқ, ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек, ҳар қандай жиноят ҳам вақти келиб фош бўлмай қолмайди. Жиноий режаларини қанчалик пухта ишлаб чиққан бўлишмасин, "G'alla-alteg" ОАЖ атрофига ин қўрган жиноятчилар муқаррар жазодан қутула олишмайди.

Тошкент шаҳар прокуратураси Иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлими томонидан олиб борилган тергов давомида халқ ризига кўз тиккан Искандар Юнусов бошчилигидаги жиноятчиларнинг кирдикорлари фош этилиб, 35 нафар шахсга нисбатан жиноий жавобгарлик белгиланди. Жиноят ишининг 15 нафар шахсга нисбатан қисми Олий Мажлис Сенатининг амнистия тўғрисидаги қарори ва жиноят-процессуал қонунчилик нормалари асосида ҳаракатдан тугатилди. Қолган 20 нафар жиноий гуруҳ аъзоларига нисбатан жиноят иши жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига юборилди. Айбдорлар томонидан етказилган зарарнинг 437 миллион сўми нақд пул сифатида тергов жараёнида ундирилди.

Суд ҳукми билан жиноятчиларнинг ҳар бири қилмишларига яраша жазосини олишди.

Мирағлам МИРЗАЕВ,
Тошкент шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари,
адлия катта маслаҳатчиси

5



Ёз гаити

ТЕНДЕР САВДОЛАРИ МУДДАТИНИНГ УЗАЙТИРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ХАБАРНОМА

Давлат мулкни хоржий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдоларини ўтказувчи давлат комиссияси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги №ПҚ-672 сонли қарорига асосан қуйидаги эълон қилинган тендерлар бўйича тендер тақлифларини қабул қилиш муддатини узайтирилганини маълум қилади:

Тендер ҳужжатларини қабул қилиш муддати 2008 йил 24 июнь соат 12.00 гача.

Table with 6 columns: №, Корхонанинг номи, Манзили, Сотилган нарх (%), Бошланғич нарх (млн АҚШ долл.), Инвестиция маъмуриятлари (млн АҚШ долл.)

Тендер ҳужжатларини қабул қилиш муддати 2008 йил 1 июль соат 12.00 гача

Table with 6 columns: №, Корхонанинг номи, Манзили, Сотилган нарх (%), Бошланғич нарх (млн АҚШ долл.), Инвестиция маъмуриятлари (млн АҚШ долл.)

Тендер ҳужжатларини қабул қилиш муддати 2008 йил 22 июль соат 12.00 гача

Table with 6 columns: №, Корхонанинг номи, Манзили, Сотилган нарх (%), Бошланғич нарх (млн АҚШ долл.), Инвестиция маъмуриятлари (млн АҚШ долл.)

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийлигини сақлаш тўғрисидаги Билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим.

Валюта рақами № 20203840500600289001
Хисоб рақами № 20203000600600289001

Тендер тақлифларини очилиши уларни қабул қилиш муддати тугаган кўни Тошкент вақти билан соат 16:00да, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни қўмитасининг мажлислар залида (5-каватда) бўлиб ўтади.

Тендер тақлифларини ўратилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер тақлифларини очиб маросимда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат этишингизни сўраймиз:

Дам олиш масканлари ва болалар соғломлаштириш оромгоҳлари бўйича:
Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни қўмитасининг Бош бошқармасига,

Кимёсановат соҳаси корхоналари бўйича:
Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш Бюроси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент, 100003, Ўзбекистон шох кўчаси, 55-уй

ПАХТАСАНОАТ ВА НЕФТ - ГАЗНИ КАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИ БЎЙИЧА:
Корхоналарни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўлаб-қуватлаш Бюроси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент, 100003, Ўзбекистон шох кўчаси, 55-уй

TURON BANK logo and text: Наманган вилояти адлия бошқармаси адвокатура бўйича малака комиссиясининг 2008 йил 5 июнь кундаги қарорига асосан Исқов Салибулло номига бошқарма томонидан 1999 йил 2 март кўни берилган № 000099 рақамли адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиш муддати 6 ойга ўхшатилиши маълум қилинади.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ва уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш мақсадида бир қанча давлат органлари, институтлар ташкил этилди ва улар фаолиятларининг ҳуқуқий асослари белгилаб берилди. Зотан, нотариат тизими ҳам ҳуқуқий ҳимоянинг бир тармоғи сифатида муҳим аҳамият касб этади.

НОТАРИАТ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

1996 йил 26 декабрда қабул қилинган "Нотариат тўғрисида"ги Қонуннинг 1-моддасида қуйидаги қоида белгиланган: "Ўзбекистон Республикасида нотариатнинг вазифаси жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини нотариуслар томонидан қонунларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ҳимоя қилишни таъминлашдан иборатдир".

Мазкур Қонунга биноан нотариал ҳаракатларни давлат нотариал идорасида, ишловчи ёки хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариуслар амалга оширадидлар. Нотариуслар реестри Адлия вазирлиги томонидан юритилади. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: Давлат нотариал идорасида ишловчи нотариус билан хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариуснинг амалга оширадиган нотариал ҳаракатларида қандай фарқлар мавжуд?

"Нотариат тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, давлат нотариал идораларида ишловчи нотариуслар битимларни тасдиқлаш, васиятномаларни тасдиқлаш, эр-хотиннинг умумий мол-мулкдаги улушига мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берил, мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни тақиқлаб қўйиш ва тақиқни бекор қилиш, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берил, мерос мол-мулкнинг қўриқлишига доир чора-тадбирлар қўриш сингари нотариал ҳаракатларни амалга оширади.

Хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариуслар ҳам айнан шундай нотариал ҳаракатларни амалга оширади, лекин қонунга қўра мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни тақиқлаб қўйиш ва тақиқни бекор қилиш, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берил, мерос мол-мулкни қўриқлаш чора-тадбирларини қўриш бундан мустасно.

Республикамизнинг деярли барча ҳудудларида бу турдаги нотариуслар мавжуд. Нотариус мавжуд бўлмаган аҳоли пунктларида эса нотариал ҳаракатларни амалга ошириш фуқаролар ййғилларининг раисларига (оқоқолларга) юклатилади ҳамда қонун уларга мазкур нотариал ҳаракатларни амалга оширишга иш беради.

Бошқа давлатлар ҳудудида нотариал ҳаракатларни Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг мазкур ваколат берилган мансабдор шахслари амалга оширади.

Нотариус ўз фаолиятини амалга ошириш чоғида унинг мустақиллиги қонун билан таъминланади. Шунингдек, нотариус томонидан амалга ошириладиган ҳар қандай нотариал ҳаракатлар махфий сақланиши ва ҳеч кимга ошкор этилмаслиги лозим. Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномалар (маълумотлар) фақатгина суд, прокуратура, тергов органларининг талабига биноан улар юрифтаётган ишлар муносабати билан, фуқаролар мулкига ўтаётган мол-мулкнинг қўймати ҳақидаги маълумотномалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда солиқ органи ҳамда васиятнома тўғрисидаги маълумотномалар васият қилувчининг вафотидан кейингина берилиши мумкин.

Зариф ДАВРОНОВ, 1-даражали адлия маслаҳатчиси

UZBEKISTAN AIRWAYS logo and text: Янги қатнов! Тошкент ДУБАЙ Тошкент. Катловлар ҳафтада бир марта жума кунлари А-310 самолётларида бажарилади.

Бугун — Халқаро гиёҳвандликка қарши курашиш кўни

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашга, уларнинг соғлиғи, келажак учун алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Аммо, бугунги кунда инсониятни ларзага солаётган ва глобал муаммо деб эътироф этилаётган гиёҳвандлик балосидан ёшларимизни асраш жамият олдидаги долзарб вазифадир.

КУЛФАТ ҚУРШОВИ

Гиёҳвандликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш соҳасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Учтепа тумани ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан гиёҳвандлик воситаларининг қонунга хилоф равишда айланишига қарши ўтказилган тадбир вақтида Чилонзор маззеси, 12-даҳа, 2-уй олдидан Уткир Акбаров гўмонланган бўлиб, холислар иштирокида текширилганда чўнтағидан қора целлофанга ўралган 206 грамм тетрагидроканнабинол — фаол гиёҳванд модда топилган.

Учтепа тумани ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан гиёҳвандлик воситаларининг қонунга хилоф равишда айланишига қарши ўтказилган тадбир вақтида Чилонзор маззеси, 12-даҳа, 2-уй олдидан Уткир Акбаров гўмонланган бўлиб, холислар иштирокида текширилганда чўнтағидан қора целлофанга ўралган 206 грамм тетрагидроканнабинол — фаол гиёҳванд модда топилган.

Олиб борилган тергов ишлари натижасида У.Ақбаров ва холисларнинг кўрсатмалари қонуний ўрганиб чиқилди. Айбланувчи Уткир Акбаров муқаддам судланган бўлиб, унга суд томонидан белгиланган ахлоқ тузатиш муддати тугамасдан яна жиноятга қўл урганлиги маълум бўлди. У.Ақбаровга жазони ўташ жойида гиёҳвандликдан мажбурий даволаниш чоралари белгиланди.

Шунингдек, 1956 йилда Андижон вилоятида туғилган Рафӣқон Қўчқоров муқаддам Андижон вилояти жиноят ишлари бўйича суди томонидан тайинланган жазони ўтамаган бўлса-да, ўзига тегишли хулосалар чиқариб олмасдан, ноқонуний йўл билан боғлиқ орттириш мақсадида 2007 йил 3 февраль кўни Чилонзор Г-9-А-даҳаси ҳудудида жойлашган "Фарход" деҳқон бозорининг қирғиш дарвозаси олдида тўхташиб, холислар иш-

тирокида қўздан кечирилганида, Р.Қўчқоровнинг ўнг қўлидаги қора целлофан пакет ичидан 27 донга гургут қулчасига жойланган 95 грамм "марижуана" топилди, ҳужжатлаштирилди.

Худди шунга ўхшаш жиноятни буюроқли Аминжон Ҳақназаров, сирдарёлик Жумабой Шодмонқуловлар ҳам содир этишган. Улар тақлиқланган каннабис ўсимлигини қонунга хилоф равишда етиштириб, тайёрлаб, сақлаб, ташиб ва кўп миқдорда сотишга уринган. Улар жиноят кодексининг 270-модда, 1-қисми ва 25, 273-моддаси, 5-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганлиги учун суднинг қора қурисига ўтирилди.

Маълумотларга қўра, бир гиёҳванд бир йилда 10-15 кишини гиёҳвандлик домига тортак экан. Демак, гиёҳвандлик шундай юқумли касалликки, бу касалликка қарши шифтсиз курашилмас, олди олинмас, турмуш тарзини ўзгартириш, жамиятимизга жиддий эиён етказиши.

Аброр САЙЁТОВ, Учтепа тумани прокурори ўринбосари, Шўқур СОДИҚОВ, "Инсон ва қонун" муҳбири

ЭЪЛОН! ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ 2008-2009 ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎҚИШГА КИРИШ УЧУН АБИТУРИЕНТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

Юриспруденция бўйича "Бакалавр" таълим йўналишига

Table with 3 columns: Жами, Шў жулладан (грант, контракт), Values: 500, 150, 350

бўлган халқаро ва республика олимпиадалари, танловлар ва мусобақалар гоилилари асл нусхадаги тасдиқловчи ҳужжатларни топширадидлар;

Абитуриентлар қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- 1. Таълим муассасаси ректори номига ариза;
2. Ўрта ёки ўрта махсус маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асли;
3. 086/У-шаклдаги тиббий маълумотнома;
4. Паспорт нусхаси;
5. 3x4 ҳажмдаги 6 та фотосурат;
6. Танловдан ташқари ўқишга кириш ҳуқуқига эга

7. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқаролар махсус бланкада ҳарбий қисм кўмондонлиги тавсияномасининг аслини тақдим этади;
8. Абитуриент томонидан паспорт ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат ҳам шахсан кўрсатилади.

Ҳужжатлар 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади.

Магистратура мутахассисликларига

Table with 4 columns: №, Мутахассислик номи, Шў жулладан (жами, грант, контракт), Values: 124, 20, 104

Магистратурага кирувчилар қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- 1. Таълим муассасаси ректори номига ариза;
2. Олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асли нусхаси ҳамда унинг иловаи;
3. 086/У-шаклдаги тиббий маълумотнома;
4. 3x4 ҳажмдаги 6 та фотосурат;
5. Магистратурага кирувчилар паспорт ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжатни ҳам шахсан кўрсатадилар.

Ҳужжатлар 1 июндан 30 июлгача қабул қилинади.

Қабул комиссияси манзили: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси, Тошкент Давлат юридик институтини Талабалар турар жойи биноси. Мурожаат учун телефонлар: 246-34-96, 246-23-36

«ЧАЁН» ЧАҚДИ

Баҳромжон Мадалимов Қорасув шаҳрида яшайди. 3 нафар фарзанднинг отаси. Ёши ҳам 50 дан ошди. У трактор сотиб олиш ниятида бировнинг "Тико" русумли автомашинасини ижарага олиб, киракашлик қилади. Машинасига турли тоифа кишилар чиқади. У Жумабой исмли киши билан танишиб қолди. Янги таниши унга: — Ака, ниятларингиз яхши экан. Сизга бу ишда ёрдам бераман, — дейди.

2007 йилнинг май ойида Жумабой унинг уйига келади. — Ака, бир илтимос билан келаяпман. Наша толиб беролмайсизми? — Уэр, ука, бундай иш билан шугулланмайман. — Бир ўйлаб кўринг, бу ишдан яхшигина пул топса бўлади.

Жумабой кетгач, Баҳромжон унинг таклифини кўп ўйлади. Шундай кўнларнинг бирида Жумабой икки йилгитни бирга олиб келади ва: — Ака, бу йилгитлар ҳалиги айтганимнинг ҳаридорлари, — дея таништиради. Баҳромни кўп пул топилган йилдан оздирди. Харидорларга ховлиси ташқарисидан ариқ четида ўсиб чиққан наша ўсимликларини кўрсатади. Харидорлар: — Сиз буларни юлиб, куриштиб қўйинг. Кейин олиб кетамиз, — дейишади.

Орадан икки кун ўтгандан сўнг Баҳром Қорасув шаҳридаги шифохона олдидан, ўша йилгитларни ўчириб қолди. "Нексия" да ўтирган йилгитлар нашаларни олиб келиб беришини сўрайди. — Пули тайёрми? — Тайёр, мана, — дея 100 АҚШ долларини кўрсатишади.

Баҳромжон бир онда мўмай пулга эга бўлишини ўйлаб, "Тико"сини уйи томон елдек учуриб кетади. У ҳовлиси яқинидаги 4 туپ нашини йилгитларга олиб келади. Йилгитлардан бири 100 АҚШ долларини унга узатади. Лекин у ҳали жойидан жилмай туриб, ИИБ ходимлари келиб қолади. Харидорлар сотиб олган нарса нима эканлиги ва қанчага сотиб олганини айтишади.

Шу ўринда савол туғилади: Баҳром ўзи сотаётган захри қотил қанча одамни захарлаши, ширин турмушларни ачқик қилиши, ўзи каби қанча ота "оқ" тортишга сабабини бўлиши мумкинлигини билмаганидир? Биларди. У била туриб, шу йўлни танлади. Яхшики, қилни қирқ ёрадиган ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг сергажиги туфайли унинг қабих жиноятига ишига барҳам берилди.

Судда Баҳром Мадалимов қўлган ишдан пушаймон бўлди. Афсуски, энди кеч. У жиноят кодексининг 273-моддаси, 5-қисми билан айбни деб топилди, 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Дилмуроджон ҚОБУЛОВ, вилоят прокурорининг бўлим прокурори, Шўҳратбек МУСАЕВ, "Инсон ва қонун" муҳбири

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси жамоаси Мировод туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Мехринос Ата-Мирзаевага онаси Ҳошера САДИҚОНОВАнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изхор этади.

ИНСОН ва ҚОНУН. Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ. ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович, Муштафаев Бўриғош Муштафаевич, Ражабова Мавжуда Абдуллаевна, Махмудов Лазизжон Мирзаевич, Раҳмонов Абдуқамол Шодиевич, Маматов Шоди Суянович, Матрасулов Давлатназар Раҳимберганиевич, Сандов Шокир Қамолович, Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич. НАВБАТЧИ: Алимурод ТОҶИБЕВ. Саҳифаловчи-дизайнер: Фарход ХУЖАНАЗАРОВ. Индекс: 646882. «ИНСОН ВА ҚОНУН» ҳуқуқий газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва сақланади. А-2 бичида, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона маъзил: Тошкент шаҳри, Буюк Тўрон кўчаси 41-уй. Бюрофта Г-515. Тиражи — 11957. [Т] — тижорат мақола. Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.00. МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 233-84-50. Факс: 233-65-99. 1 2 3 4 6 7 8 Сотувда эркин нархда